



ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

Аманов Абдоржон Абдуллаевич

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги Малака ошириш институти профессори
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17413993>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 10-oktabr 2025 yil
Ma'qullandi: 15-oktabr 2025 yil
Nashr qilindi: 22-oktabr 2025 yil

KEYWORDS

Хуқуқбузарликларнинг
олдини олиш, ички ишлар
органлари, хуқуқбузарликлар
профилактикаси
хизматлари, оммавий
ахборот воситалари,
ҳамкорлик.

ABSTRACT

Мақолада Хуқуқбузарликларнинг олдини олишда ички ишлар органлари хуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги хусусида фикр юритилиб, мазкур фаолиятни янада самарали ташкил этишга оид таклифлар ҳамда тавсиялар билдирилган.

Мамлакатимизда демократик-хуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида изчил ислохотлар амалга оширилаётган бугунги кунда ички ишлар органлари хуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг фуқаролик жамияти институтларидан бири бўлган оммавий ахборот воситалари билан хуқуқбузарликларни олдини олиш йўналишидаги ҳамкорлигини самарали ташкил этиш алоҳида аҳамиятга эга йўналишлардан биридир.

Жумладан, юртимиз мустақиллигининг илк даврларидан то бугунги кунга қадар ижтимоий ҳаётнинг барча тармоқлари каби оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳамда уларнинг давлат органлари билан муносабатларида мутлақо янги давр бошланди десак муболаға бўлмайди. Хусусан, мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси¹да оммавий ахборот воситалари учун алоҳида боб ажратилиши ва фундаментал қоидаларнинг белгиланишини алоҳида қайд этиш лозим.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган «Янги Ўзбекистон» ислохотлари даврида эса, муҳим қадамлардан бири ҳисобланган Ўзбекистон Республикасини 2017 – 2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегиясида ҳамда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурида, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли кафолатлаш масалаларида** фуқаролик жамияти

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

институтлари, шу жумладан оммавий ахборот воситаларининг судлар ва ҳуқуқ-тартибот органлари билан алоқаларини мустаҳкамлаш, тобора ривожлантириш вазифаси кун тартибига қўйилди ҳамда мазкур ҳужжатнинг «Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш» номли бандида халқ билан мулоқотнинг самарали механизмларини жорий этиш; жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шаклларини ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш; ... оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш»² масалалари белгилаб берилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, адолатни ўрнатишда жамоатчилик билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш лозимлиги ҳамда бу фаолиятни йўлга қўйишда эса, ҳуқуқ-тартибот органлари очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда улар устидан жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда оммавий ахборот воситалари алоҳида роль ўйнашини³ алоҳида қайд этиб ўтган эди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁴ги қарори билан тасдиқланган «Ички ишлар органлари таянч пунктлари тўғрисида»ги Низомда эса, таянч пунктларининг асосий вазифалари қаторида «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари бўйича ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, давлат органлари, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни амалга ошириш» вазифаси белгилаб берилди.

Айтиш мумкинки, бугунги кунда жаҳон амалиётидаги каби юртимизда ҳам оммавий ахборот воситалари сон ва сифат жиҳатидан юксалиб бормоқда. Хусусан, оммавий ахборот воситалари жамият ижтимоий ҳаётида қонун устуворлигини, давлат бошқарувида очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлашда ҳамда тўла қонли жамоатчилик назоратини амалга оширишда, фуқароларнинг ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатишдек конституциявий ҳуқуқини рўёбга чиқаришда, бир сўз билан айтганда, демократик-ҳуқуқий давлатда фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтларидан бири сифатида алоҳида ўрин эгаллайди ҳамда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирларда уларнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш ўзининг ижобий натижасини беради. Бошқача айтганда, давлат органларининг оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлиги жамият аъзоларининг маънавий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий савияси ҳамда даражасини юксалтиришга хизмат

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

³ *Мирзиёев Ш.М.* Ички ишлар органлари фаолияти тизимида мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифалар // Халқ сўзи, 2017 йил 10 февраль.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

қилади. Бунинг учун, улар ўртасидаги ҳамкорликни ҳуқуқий таъминлаш, энг манфаатли алоқалар учун шарт-шароитлар яратилиши лозим⁵.

Таъкидлаш лозимки, давлат органларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик муносабатларига оид мутахассислар томонидан бир қанча фикрлар билдирилган. Масалан, Ю. Пименовнинг таъкидлашича, бу муносабатлар чегараси ўта нозик бўлиб, доимо икки субъект ўртасидаги низолар келиб чиқиши эҳтимоли кўплиги билан изоҳланади⁶. А.А. Чичановский эса, давлат органлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги муносабатлар доимий бир-бирига зид келади. Айниқса, улар нафақат оммавий ахборот воситаларини давлатга бўйсундиришга, балки, бошқа шакллар орқали ҳам ўзаро ҳамкорликка ҳаракат қиладилар⁷ деб қайд этади. Ушбу қайд этилган муаллифлар фикрларини мамлакатимиз ижтимоий ҳаётига мос деб айтаолмаймиз ва бу фикрларга қўшилмаймиз. Сабаби, юқорида қайд этганимиздек, бугунги ҳаётнинг ўзи жамиятдаги ижтимоий муносабат субъектларини ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишини тақозо этмоқда. Одатда, мазкур муносабатларда ҳар икки субъект ҳам ўзаро келишув, бир-бирини қўллаб-қувватлаш асосида иш олиб бориши мақсадга мувофиқдир. Зеро, жамиятда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини давлат органлари яратади ва уларнинг фаолияти учун кафолатлар ишлаб чиқади. Давлат органларининг ўз хизмат мажбуриятларини самарали бажаришларида (масалан, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолиятида) эса, оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйилиши ўзининг ижобий натижасини беради.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга оид муносабатларда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этишни аслида бугунги замоннинг ўзи тақозо этмоқда десак муболаға бўлмайди. Сабаби, бугунги глобаллашув даврида жамиятда тинчлик-осойишталикни таъминлаш нафақат мамлакатимизда балки, бутун дунё тараққиётида муҳим ўрин эгаллайди. Жумладан, ушбу ҳамкорлик бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан мазкур йўналишда амалга ошириладиган ҳамкорликлардан бир қанча ўзига хос афзалликлари билан фарқ қилади. Масалан, мазкур ҳамкорликнинг ўзига хослиги ва афзалликларидан бири бу – бир вақтнинг ўзида ўнлаб, юзлаб, минглаб, ҳаттоки, миллионлаб инсонларга профилактик таъсир кўрсатиш имкониятига эгалгидир. Яъни, бунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошираётган субъектлар газета ва журналларда мақолалар чоп этиш, профилактик

⁵ Бир қатор хорижий мамлакатлар олимларининг тадқиқотларида мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилган. Қўшимча маълумот олиш учун қаранг: Гриб В.В. Взаимодействие органов государственной власти и институтов гражданского общества в Российской Федерации: Автореф. дис. докт. юрид. наук; Гриб В.В. СМИ как институт гражданского общества // Информационное право, 2010. – № 1; Гринберг Р.С., Дейкин А.И. Проблемы независимости СМИ в России: экономический и политический аспекты / [Электронный ресурс]. www.r-reforms.ru; Динамика политического мышления в современном дискурсивном пространстве: власть и СМИ / Под ред. О.Н.Дубровской. – Саратов: Науч. кн., 2008; Куликова С.А. Теоретико-правовая модель конституционного запрета цензуры // Право: история, теория, практика: материалы междунар. заоч. науч. конф. – СПб.: Реноме, 2011; Куликова С.А. Конституционный запрет цензуры: понятие, признаки и гарантии // Информационное право. – М., 2011. – № 2.

⁶ Пименова Ю. Проблемы взаимодействия СМИ и государства в России. – М., Газета. – 2015. – №5.

⁷ Чичановский А.А. Взаимодействие СМИ и властных структур в условиях модернизации российского общества (политологический анализ). Дисс. докт. полит. наук. – М., РАГС, – 1995.

мазмун ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган китобларни нашр этиш, телевидениеда кўрсатувлар, фильмлар намоиш қилиш, радиода эшиттиришлар ташкил қилиш орқали бир вақтнинг ўзида кўплаб аҳолига профилактик таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўладилар. Ва шу билан бирга мазкур жараёнларда ўз ўрнида кам куч, вақт ва маблағ сарфланади. Бир соатлик телекўрсатув орқали минглаб фуқароларга профилактик таъсир кўрсатиш учун ўн нафар кишининг меҳнати кифоя бўлса, айнан шу бир соатлик вақт оралиғида индивидуал профилактикани амалга ошириб, минглаб фуқароларга профилактик таъсир кўрсатиш учун юзлаб ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари ходимларининг меҳнати талаб этилади. Агар бу бир киши томонидан амалга оширилса, бунинг учун ойлаб, йиллаб вақт сарфланиши мумкин. Бу борада маблағ сарфланиш ҳажми ҳам худди шу суръатда ошиши кузатилади. Бир сўз билан айтганда, мазкур субъектларнинг ушбу йўналишдаги ҳамкорлик муносабатлари бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ушбу йўналишда амалга ошириладиган ҳамкорликка нисбатан ўзига хос афзалликлари билан ажралиб туради.

Мазкур ҳамкорликнинг муҳимлигига яна бир мисол сифатида қайд этиш мумкинки, юртимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда унинг бир йўналиши бўлган жамиятдаги ижтимоий муносабатлар субъектларини турли ахборот ҳуружидан ҳимоя қилиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади ва мазкур жараёнларда ушбу субъектлар ҳамкорлигининг ўрни беқиёсдир. Хусусан, Ш.У. Якубов тўғри таъкидлаганидек, давлат органлари оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликка киришар экан, мамлакат ҳудудида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратиши лозим. Икки субъект ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳам жамиятда ахборот хавфсизлигини таъминлаш алоҳида йўналишлардан бири сифатида белгиланиши шарт. Чунки ахборот хавфсизлиги – жамиятда янги ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ривожлангани сари долзарблиги ортиб борадиган жиддий масаладир⁸. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркин-лиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»⁹ги қонунининг 12-моддасида ҳам давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашдаги сиёсатини акс эттирадиган қуйидаги норма мавжуд: «Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлади ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишларини, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўрни ва аҳамиятини белгилайди».

Шу билан бирга айтиш мумкинки, ҳозирги кунда мамлакатимизда давлат томонидан оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлашнинг қатор механизмлари мавжуд, яъни давлат томонидан улар фаолияти учун ҳуқуқий асослар яратилиб, ташкилий тузилмалар жорий этилган ҳамда уларни моддий ва молиявий қўллаб-қувватлашнинг мақбул механизмлари жорий этилган. Лекин, олиб борилган таҳлиллар бугунги кунда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш йўналишида ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар

⁸ Якубов Ш.У. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмлари. Монография. Т. 2018 й. – Б.67.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2003. – № 1. 2-модда.

профилактикаси хизматларининг оммавий ахборот воситалари сифатида фаолият юритаётган фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигини ташкил этишда қуйидаги жиҳатларга аҳамият бериши лозимлигини кўрсатмоқда:

биринчидан, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларига, яъни мазкур ҳамкорликнинг ҳуқуқий механизмлари мукамал эмас ва ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш давр талабидир;

иккинчидан, ҳамкорлик иштирокчиларининг касбий тайёргарлигига, яъни мазкур ҳамкорлик субъектларида, хусусан, фуқаролик жамияти институтларида тегишли тажриба, кўникма ва ҳамкорликни амалга ошириш учун зарур билимлар етишмайди;

учинчидан, ҳамкорликни бошқариш ва мувофиқлаштиришга, яъни, расмиятчилик, юзаки, хўжакўрсинга тадбир ўтказиш ҳамда ҳамкорлик субъектларида ижтимоий шериклик маданияти етарли даражада шаклланмаган;

тўртинчидан, ҳамкорликнинг иштирокчиларининг моддий қўллаб-қувватланганлигига, яъни, ўтказиладиган тадбирларда иштирокчиларни айниқса, фуқаролик жамияти институтлари ходимларини моддий рағбатлантиришга.

Қайд этиш керакки, давлат органларининг оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик муносабатларининг ҳуқуқий механизмларини чуқур таҳлил қилиш ҳамда мазкур соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш учун илмий жиҳатдан асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш тадқиқот ишимизнинг мақсадларидан биридир. Хусусан, бугунги кунда мамлакатимизнинг жорий қонунчилигида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигига оид бир қанча қоидаларнинг мавжудлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Лекин, олиб борилган ўрганишлар ва бугунги замон талабларидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, мазкур муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Жумладан, мазкур йўналишда тадқиқот олиб борган мутахассислар, хусусан, Ш.У. Якубов, оммавий ахборот воситалари ва давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ҳуқуқий механизмларини яратишга оид жиддий изланишлар олиб бориш мақсадга мувофиқ. Чунки, ҳозирга қадар мазкур муносабатларнинг ҳуқуқий асослари талаб даражасида шаклланмаган; давлат ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликни тартибга солувчи алоҳида қонун мавжуд эмас¹⁰ деб, қайд этган бўлса, Б.И. Латипов, давлат органлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликнинг аниқ ҳуқуқий механизмлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва оммавий ахборот воситалар ҳамкорлигини усул ҳамда шакллари акс эттирувчи ҳуқуқий нормаларни ҳам мустақамловчи алоҳида қонун қабул қилиниши айни муддао бўлар эди¹¹ деган таклифни илгари суради. Биз ҳам мазкур муаллифлар фикрини қўллаб қувватлаймиз ва бугунги мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги реал эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ҳуқуқбузарлик-ларнинг олдини олишда оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини янада бойитиш бўйича изланишлар олиб бориш, бир сўз билан айтганда,

¹⁰ Якубов Ш.У. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмлари. –Т., 2018. – Б. 65, 67.

¹¹ Латипов Б.И. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш. ю.ф.б.ф.д. (PhD) диссертацияси. – Т. 2019. – Б.88-89.

мазкур ҳамкорликнинг замонавий ва мукамал ҳуқуқий асосларини доимий равишда такомиллаштириб бориш лозим деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, давлат органлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги муносабатларда эътибор қаратиш ва ҳуқуқий тартибга солиш лозим бўлган яна бир муҳим масала оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш ҳисобланади¹². Б.И. Латипов, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини молиявий таъминлашга мўлжалланган бюджет ва корпоратив манбалари (тегишли жамғармалар) шакллантирилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Тегишли тадбирларни ўтказган ходимларга устама ҳақ тўлаш, фуқаролик жамияти тузилмалари вакилларини ҳам моддий рағбатлантириш манбалари ташкил этилса, пировардида ижтимоий ҳамкорликнинг самарадорлиги ошишига хизмат қилар эди¹³ деган таклифни илгари суради. Дарҳақиқат, ҳамкорлик иштирокчиларини моддий қўллаб-қувватлаш, яъни, ўтказиладиган тадбирларда иштирокчиларни айниқса, фуқаролик жамияти институтлари ходимларини моддий рағбатлантириш амалиётини кенг жорий этиш мазкур ҳамкорликнинг самарадорлигига ўзининг ижобий таъсирини ўтказди.

Қайд этиш керакки, бугунги кунда юртимизда фуқаролик жамияти институтларини шу жумладан, оммавий ахборот воситаларини ҳам ижтимоий қўллаб қувватлашнинг қатор механизмлари мавжуд. Лекин, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш соҳасида намуна бўлиб, тегишли натижалар қайд этган ва бошқа оммавий ахборот воситалариларига ўрناк бўлиб келаётган оммавий ахборот воситалариларини рағбатлантириш амалиётини кенгайтириш ҳамда уларга ўз фаолият йўналишлари бўйича тегишли имтиёзлар берилиши таклифини ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари юқори турувчи идораларга тегишли тартибда киритишлари мақсадга мувофиқдир.

Бу борада хорижий мамлакатлар амалиётига мурожаат этадиган бўлсак, уларда давлат томонидан оммавий ахборот воситаларига солиқ ва божхона имтиёзлари бериш, имтиёзли кредитлар бериш, таърифларни тушириш, электрон оммавий ахборот воситаларига техник хизмат кўрсатиш, газеталар нашриётининг қарзларини камайтириш, шунингдек таҳририятларга давлат бюджети ва бошқа манбалар ҳисобидан тўғридан-тўғри субсидиялар бериш кўзда тутилган. Аксарият мамлакатлар қўллаб-қувватлашнинг ушбу шаклларида тўлиқ фойдаланмайдилар, балки маълум солиқлардан, алоҳида маҳсулотларни (газета қоғози) олиб киришда бож тўловларидан озод қилиш кабиларни амалда қўллаб келаётганлигини ҳам гувоҳи бўлишимиз мумкин. Халқаро ҳужжатлар ва бир қатор хориж мамлакатлар қонунчилигида оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш уларга субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар бериш орқали амалга оширилиши мумкинлиги таъкидланади. Масалан, Швеция, Нидерландия, Норвегия, Финландия каби мамлакатларда барча кундалик нашрлар, Францияда газеталар, Италияда ижтимоий муҳим нашрларга қайд этилган шаклда имтиёзлар берилади. Шу билан бирга, оммавий ахборот воситаларига солиқ ва божхона имтиёзлари қўллаш орқали қўллаб-

¹² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2005. – №11. 393-м.

¹³ Латипов Б.И. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш. ю.ф.б.ф.д. (PhD) диссертацияси. – Т. 2019. – Б.72.

қувватлашни Россия, Буюк Британия, Канада, Италия, Франция, Германия, Австрия, Украина ва Корея Республикаси қонунчилигида қайд этилганлигини кўришимиз мумкин.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, ҳуқуқбузарликларни олдини олишда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлигини ташкил этишда мамлакатимиз жорий қонунчилигида давлат органлари ва оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини ҳамда шаклларини янада кенгроқ ёритилиши мақсадга мувофиқдир. Сабаби, тегишли манбаларни таҳлил этиш ва ўтказилган ижтимоий сўровларимиз асосидаги хулосаларимиз бўйича айтишимиз мумкинки, бугунги кунда мазкур субъектлар ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмлари мукамал эмас, субъектларнинг зарурий билим ва тажрибалари етишмайди, амалга ошириладиган тадбирларда расмиятчилик, тадбирларни юзаки ўтказиш каби ҳолатлар мавжуд. Шу ва шу каби муаммоларни ҳал этиш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

биринчидан, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларнинг муҳимлиги ва йилдан-йилга янада долзарб аҳамият касб этиб бораётганлигини ҳисобга олиб, мамлакатимизда бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида доимий тарзда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш соҳасидаги ижтимоий ҳамкорлик муносабатларини ҳам назарда тутиш;

иккинчидан, ҳуқуқбузарликларни олдини олишда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигида тегишли натижалар қайд этиб, ўртак бўлиб келаётган оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий механизмларини ҳамда шаклларини янада аниқ белгилаш:

учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»¹⁴ги қонунига оммавий ахборот воситаларини ҳуқуқбузарликларни олдини олишдаги фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари ҳамда ҳуқуқий механизмларини белгиловчи алоҳида модда киритиш;

тўртинчидан, ҳуқуқбузарликларни олдини олишда давлат органлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликнинг аниқ ҳуқуқий механизмлари, жумладан, давлат томонидан молиявий ёрдам бериш шакллари, оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда давлат томонидан турли имтиёз ва преференциялар беришнинг ҳуқуқий механизмларини янада аниқ белгилаш.

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.